


ISSN 2181-4791

**IMOM BUXORIY XALQARO  
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

IMAM BUKHARI INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC RESEARCH CENTER



**№2  
2022**



# IMOM BUXORIY SABOQLARI

*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-  
adabiy jurnal*

*Spiritual and educational,  
scientific-literary journal*



2022-YIL –

**INSON QADRINI  
ULUG'LASH VA FAOL  
MAHALLA YILI**

## Ушбу сонда:

**Шовосил ЗИЁДОВ, Ўқтамбек СУЛТОНОВ.** Тошкент қозиси Шарифхўжа Подшоҳхўжа ўғли кутубхонаси.....3

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

**Музаффар КОМИЛОВ.** Фикҳ – ислом ҳуқуқининг мустақил теократик сиёсий тизимлар ҳуқуқи сифатида шаклланиши.....5

الدكتور محمد أمين الزهراوي , عبدالباسط ممداليوف . أصول الفقه ومدارس البحث فيه.....9

**Муҳаммадолим МУҲАММАДСИДДИҚОВ.** Марказий Осиё давлатлари ижтимоий-сиёсий жараёнларига сиёсий исломнинг таъсир этиш тарихи.....13

**Хабибулло САГДИЕВ.** Исломда пайғамбарлар мавқеи.....15

**Баҳодир ПИРМУҲАМЕДОВ.** Исломшуносликда «Маъруза (муходара) илми»нинг шаклланиши ва ривожланиши.....17

**Бехзодбек СОИПОВ.** Модернизация жараёнининг сиёсий ислом фаоллашувига таъсири.....18

**Жонибек ЖУМАЕВ.** Ўзбекистон диний бағрикенглик борасида намуна.....20

**Феруза РАББИМОВА.** Футувват таълимоти Ғарб ва Шарқ олимларининг талқинида.....22

**Ильгиз СУНГАТУЛЛИН.** Имущественные привилегии женщин в исламской правовой системе.....24

**Анвар ХАМИТОВ.** Взгляд Мусы Бигиева на сунну как источник шариата.....26

**Салават НУРТДИНОВ.** История как исламская наука: Марджани и Ибн Халдун.....28

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

**Мавжуда ГУЛАМОВА.** Комил муршид – Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий.....30

**Фаррух ТЕМИРОВ.** Садриддин Айний тадқиқотида бухоролик адиблар.....31

**Абдумажид АБДУМАННАТОВ.** Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан таълим тизимида фойдаланиш.....33

**Ислом ҲАМДАМОВ.** Тасаввуф таълимоти ва Мирзо Улуғбек.....35

**Обиджон ХУРСАНДОВ.** Самарқанд Ҳадис ва Калом илми мактабларининг ижтимоий аҳамияти.....37

**Айтмамат КАРИЕВ.** Бурхануддин Маргинанийдин аль-Хидая атту эмгегининг укук илимине таасири.....39

**Қодирхон МАҲМУДОВ.** Имом Термизий фикҳ ижтиҳод мактабларининг намояндalarидан биридир.....40

**Маҳфузахон ЖАЛОЛДИНОВА.** Саҳиҳул Бухорий асарида ижтимоий ҳимояга оид ҳадислар.....41

**Rahmatjon TO'RAQULOV.** Qisasi Rabg'uziyning tabdili masalalari ("Qissai Idris alayhissalom" misolida).....43

### НОДИР МАНБАЛАР

**Отабек МУҲАММАДИЕВ.** Алоуддин Усмандий асарларининг жаҳон кутубхона фондларидаги қўлёзма нусхалари.....45

**Фахриддин ИБРАГИМОВ.** “Кичик тиб қонуни” асари ҳақида.....49

**Барот АМОНОВ.** “Саҳиҳул Бухорий”га қадар ҳадисшуносликда ёзилган ҳадис тўпламлари.....51

**Равшан ЭЛМУРОДОВ.** “Тилбатут талаба” асарининг ёзилиш тарихи, услуби ва қўлёзма нусхалари.....54

**Ирода ДАУРБЕКОВА.** “Саҳиҳул Бухорий” – устоз ўғити билан яратилган асар.....55

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

**Боқижон МАТБОБОЕВ, Хикматулла ХОШИМОВ, Зафар РАХМОНОВ.** Қутайба ибн Муслим мақбараси ҳақида янги маълумотлар (қадимшунослар мулоҳазалари).....58

**Шоҳистахон ЎЛЖАЕВА, Нодира РАҲМОНБЕРДИЕВА, Гўзал ТОШЕВА.** Сибирь Бухорийлари тарихидан.....61

**Шахноза ТУРСУНКУЛОВА.** Замонавий ўзбек санъатида тасаввуф мавзуси.....62

**Абдурасул БОЛТАЕВ.** Ўзбекистонда турғунлик йилларида мелиорацияга эътибор.....63

**Хусан ХУШВАҚТОВ.** Архив ҳақиқатлари.....66

**Марғуба ҚУРБОНОВА.** Ўзбекистон Республикасида тил тараққиётининг янги даври ва ижтимоий тарихий аспекти.....68

**Акбар НАЗАРОВ.** Самарқанднинг Қорахонийлар даври жомеъ масжиди.....70

**Zulhumor KHASANOVA.** Refugees who arrived in the city of Tashkent, their arrangement and maintenance.....72

**Иzzатулло ШОЕВ.** Создание и деятельность «туземной» милиции в Туркестанском крае.....75

**Валижон АШИРОВ.** Аграр соҳадаги ўзгаришлар.....77

**Сарвар АБДУҚОДИРОВ.** Жиззах воҳаси гиламдўзлик нақшларида рамзлар таҳлилининг ўзига хослиги.....80

**Dilnavoz TAG'UYEVA.** XIX asr oxiri XX asr boshlarida jadidlar dunyoqarashiga ta'sir etgan omillar.....82

**Акбар ДАМИНОВ.** Амир Темурнинг авлиёлар ва дин пешволарининг мақбараларига вақф мулклари ажратишига оид баъзи маълумотлар (“Темур тузуқлари” мисолида).....85

**Muslimbek ALIJONOV.** Turkistonda jadidlar harakatining rivojlanishi va unda Go'zi Yunusning tutgan o'rnini.....86

**Дилноза ЖАМОЛОВА.** Бухоро амирлигида хотин-қизлар: исломий анъаналар ва кийиниш масаласи (Домла Икром асари асосида).....88

## ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Фарҳоджон ИСМАТУЛЛАЕВ. Янги Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан савдо-инвестициявий ҳамкорлигига доир.....	90
Нодира СУЛТОНОВА. Жамиятимизда гендер тенглик стратегияси ва имкониятлари.....	92
Shuxrat ОТАҚУЛОВ. Gender tenglik siyosatiga ijtimoiy va diniy munosabat.....	94
Гузаль ШАРИПОВА. Сравнительный анализ государственного устройства Малайзии и Объединенных Арабских Эмиратов.....	96
Xabibullo SADIBAKOSEV. Zamonaviy xalqaro munosabatlarga konseptual qarashlarning yangicha xususiyatlari.....	98
Баҳром БАХОДИРОВ. Ижтимоий сиёсат тушунчаси ва моҳияти.....	99
Азиз ЮЛДАШЕВ. Сиёсий институтлар давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида.....	101
Фарход ХАТАМОВ. Ижтимоий-сиёсий фанларда фуқаролик жамиятининг замонавий концепциялари таҳлили.....	103
Шухрат ТОШТУРОВ. Барқарор ривожланиш контекстида экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	105
Feruz Abdullayeva. Nasiriddin Tusiyning falsafiy qarashlarida davlat boshqaruvi masalasi.....	108
Нурали ШЕРАЛИЕВ. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларида Жанубий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг аффон масаласидаги қарашлар таҳлили.....	110
Юнусжон ИСОМИДДИНОВ. Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олишнинг ижтимоий-фалсафий асослари.....	113
Алишер АХАДОВ. Национальные культурные центры – основа межнациональной толерантности.....	115
Ўктам ШАКАРОВ. Раҳбар ахлоқи мезонларининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари.....	117

## ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Садулла ОТАМУРАТОВ. Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини туташтирган мутафаккирлар.....	121
Маърифат ХАНДАМОВА. Абу Райҳон Берунийнинг маърифатли жамият ҳақидаги қарашлари.....	125
Гулшода БЕКМУРОДОВА. Сиёсий деструкция ва унинг асосий хусусиятлари.....	127
Фируз МУЗАФФАРОВ. Имом Ғаззолийнинг “Мақосидул фалосифа” асари мундарижаси: мақсад ва вазифалари.....	129
Xurshida Ashurova. Milliy ma'rifatparvarlikning vujudga kelish omillari (ijtimoiy-falsafiy tahlil).....	132
Зойира НАДИРОВА. Илмий ижодда интуицияга муносабат.....	134
Наргиза ШОАЛИЕВА. Бедил ижодида инсон моҳияти.....	135
Ҳусан МУҲАМАДИЕВ. Фазо ва вақтда имконият ҳамда виртуаллик муаммоси.....	138
Раъно КАРИМОВА. Мустақиллик фалсафаси – мамлакатимиз мустақиллигини таъминлашнинг методологик асоси.....	140

## ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ


Феруза ХУДЖАҚУЛОВА. Мафкуравий онг ва унинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрни.....	142
Зайниддин МАМАТОВ. Ўзбекистонда демократик ислохотлар ривожидида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи.....	143
Ёркин ШУКУРОВ. Умумтаълим мактабларида таълим технологияларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари.....	145

## МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Комилжон ШЕРМУХАМЕДОВ. Миср Араб Республикасида экстремизм ва терроризм таҳдидига қарши курашиш йўллари.....	147
--	-----

## БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Соғлиққа зарар етказувчи ва атрофни ифлос қилувчи нарсалардан қайтариш.....	150
---	-----



Memorial complex of Imam Bukhari \ Мемориальный комплекс Имама Бухари

# СИБИРЬ БУХОРИЙЛАРИ ТАРИХИДАН

ШАҲИСТАХОН ЎЛЖАЕВА

ТИҚХММИ МТУ профессори, т.ф.д.

НОДИРА РАҲМОНБЕРДИЕВА

ТИҚХММИ МТУ катта ўқитувчиси

ЎЗАЛ ТОШЕВА – ТКТИ ассистенти

**Ғарбий Сибирда Бухоро амирлигидан бориб яшаб қолган халқлар талайгина бўлиб улар “Сибирь Бухорийлари” номи билан тарихда машҳур бўлган [1:77-85]. Сибирда яшаган Ўрта Осиёликлар хонликлар давридан олдин ҳам у ерда умргузаронли қилган. Асрлар давомида Ғарбий Сибирь деярли Бухоро амирлигининг колониясига айланиб қолаётганди. Сибирь Бухорийлари бу ерда яшаётган татарлар (аслида туркий халқлар) билан сўзлашиб аста-секин ўз тилларини маълум маънода ўзгартириб борган.**

У ерларга кўчиб борган савдогарлар, ҳарбий аскар ва диний уламолар ўз миссияларини бажариш мақсадида турли қишлоқ ва маҳаллаларга асос солган. Айнан бухороликлар биринчи марта Сибирга мушукни олиб борган. Дунёга машҳур “Сибирь мушуги” аслида Туркистонликлар томонидан у ерга олиб борилган ва тарқатилган. Сибирдаги Учмир тоғи аввалдан туркийларнинг уч дин қўшилган муқаддас макони ҳисобланган. Бу ерлар биз келтираётган даврдан ҳам бир неча минг йил олдин туркий қавмларнинг она ери бўлган. Уч бошли тоғни қадим туркийлар муқаддас ҳисоблаган ва унда бир хосият бор деб билган. Анча кўп сонли ва турли тармоқли туркий қабилалар Сибирь, Олтой, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва бошқа жойларда қадим замонлардан бери яшаб келгани ҳаммага маълум. Бизнинг аجدодларимиз ҳам бугунги Ўзбекистон чегарасидагина эмас, балки миграцион жараёнлар тўлиқинида бемалол у ерда, бу ерда яшаган. Шунинг учун ҳам “Дашти Қипчоқ, Ғарбий Сибирь худудида ва қадимги Қрим ерларида улар яшамаган, у ердан келганлар бизга бегона” деган фикр нотўғри бўлади. Биз ўзбеклар тарихини ўрганишда ўша даврдаги эркин миграцион тўлиқинлар ва шароитларни инobatга олишимиз лозим.

Туркийларнинг асл ватани Олтой, Сибирь, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Хуросоннинг катта қисми ва бошқа ерлардир. Навбатдаги миграция тўлиқинлари натижасида умумий ном остида Ғарбий Сибирда Бухоро қишлоқлари пайдо бўлган [2:69]. У ерда Ўзбекистоннинг ҳамма еридан кўчиб борган халқларни учратиш мумкин эди [3]. Ҳатто Тошкентдан борган инсонларнинг ҳам ўз мавзеси бўлган. Тарихий эврилишлар сабаб рус мустамлакачиларининг қадами у ерга ҳам етиб борган ва Ўрта Осиёликлардан ташкил топган Ғарбий Сибирдаги кўплаб қишлоқларни улар ўз тасарруфига киритган.

Баъзи маълумотларга кўра, Баҳовуддин Нақшбандий тарикатининг вакиллари ҳам ислом динини тарқатиш ва мустаҳкамлаш мақсадида бу ерларга келиб жойлашган. Бухоро аҳолисининг Сибирда кўпайишига бу тарикат таъсиридаги миграцион тўлиқинлар ҳам таъсир кўрсатган.

Маълумотларга кўра, XIV асрнинг охирида Иртиш дарёси бўйига 366 нафар шайх исломни тарқатиш мақсадида кириб келган [4]. XX асрнинг бошида Тюмень (туркийда Туман), Тобольск ва Тар уезида Бухоро волости мавжуд бўлган. У ерда асосан бухоролик савдогарлар ва ислом уламолари истиқомат қилган.

Улар ҳозирги Тюмень, Тобольск, Тара, Томск худудлари бўйлаб жойлашган ва Ўрта Осиё худудлари билан доимий савдо-сотик ишларини олиб борган.

Бундан ташқари улар хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан ҳам шуғулланган.

Тюменда Бухоро номли расмий шаҳар-посёлкалар бўлган. У ердан унча узоқ бўлмаган Эмбоевлар, Тўраевлар, Мадяровлар, Меримовлар каби қишлоқларда ҳам асосан Бухоро ва унинг атрофидан келган аҳоли истиқомат қилган. Шунингдек, бугунги Омск вилояти худудида ҳам XV-XVII асарларда Бухородан кўчиб келган халқларнинг Яланкўл, Улан кўл, Казатово, Айбатқан, Тузқазган ва бошқа жой номлари мавжуд.

## ҲОДИДАЛИНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. В.П.Клюева. Бухарские общины в Сибири (конец XVI – начало XIX вв.) // Проблемы экономической и социально-политической истории дореволюционной России. Тюмень, 2001.
2. Г.Л.Файзрахманов. Бухарцы в Западной Сибири в XVII – начале XX веков // Вестник Башкирского университета. 2005. №3.
3. Шоҳиста Ўлжаева. Ғарбий Сибирдаги ўзбеклар тарихи

Рус ҳукумати ҳам Бухоро савдогарларини қўллаб-қувватлаган. Маҳаллий ҳукуматга уларни солиқлардан батамом озод қилиш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш вазифаси юклатилган.

Рус ҳукуматига сибирь ерларини ўзлаштиришда бухоролик савдогарларга эҳтиёж туғилган. Улар минг йиллардан бери савдогарлик илми ва аънаналарини асраб келаётгани учун ҳам, бу тадбиркорларнинг малака ва тажрибаларини пухта ўрганишга рус жамияти ва давлатида зарурат ва эҳтиёж туғилган.

XVI асрнинг охиридан бошлаб Бухоро савдогарлари Сибирь шаҳарлари билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларда муҳим роль ўйнаган. Улар Сибирга Хитойдан шохи матолар, уй-рўзгор буюмлари, чинин идишлар, чай ва қуллар олиб келган. Сибирдан эса асосан мўйна олиб кетилган.

XVII асрдан бошлаб Бухоро савдогарлари Шарқий Сибирдаги рус шаҳарларига савдо-иқтисодий хизматлар кўрсата бошлаган. Иркутскка 1684 йилда бухороликларнинг биринчи савдо қарвони ойрот элчилиги билан бирга 170 туяда товар олиб келгани ҳақида маълумотлар мавжуд [5].

Бу мол ва товарлар асосан чай ва тамакидан иборат эди. Улар қул бозорларига қуллар ҳам келтириб турган.

Шунингдек, 1672 йилда Красноярск шаҳрига 12 нафар тадбиркор-савдогар келгани ҳақида ҳам маълумотлар сақланиб қолган. Бухоро савдогарлари Сибирь аҳолисининг орасида катта нуфуз ва обрў-эътиборга сазовор бўлган. 1795 йилдаги 5-рўйхатга олиш тафтишида 1370 нафар татарлар номи остидаги аҳолининг 1218 нафари бухоролик эди.

XVIII асрда Бухорода жами 20000 нафар бухороликлар истиқомат қилар эди. 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш дафтаридида уларнинг сони 11000, 1926 йилда эса 26000 нафар деб қўрсатилган [6]. Тар уезида уларнинг сони 11715 нафарни ташкил этгани қайд этилган. Аслини олганда улар XVIII асрда 20000 нафарни ташкил этган бўлса, аجدодларимизнинг болажонлиги ва серфарзандлигини инobatга олсак, уларнинг сони ундан бир неча баробар кўп бўлиши керак эди.

Сибирь Бухорийлари кейинчалик “Сибирь татарлари” номи остидаги миллий нуфузни пайдо бўлишида катта роль ўйнаган. “Бухоролик” деган миллий-худудий аънана 1930 йиллардаги ҳужжатларда ҳам учраб туради.

Улар охири марта 1926 йилда рўйхатга олинган. Кейинчалик Совет давлатининг ягона халқ яратиш ғояси туфайли алоҳида қайд этилмасдан аралаштириб юборилган. Туркистон қишлоқларидан борган аҳоли узоқ йиллик тарихий аралашилар даврида ўзларининг асл тилларини унутишган, лекин қайсидир маънода урф-одатларини сақлаб қолган ва уларнинг орасида хали ханузгача туркистонликларни эслатадиган шахслар учраб туради.

Сибирь халқларининг маънавий-маърифий ҳаётини шакллантиришда Сибирь Бухорийларининг ўрни ва роли катта бўлган.

Айнан улар Сибирда биринчи бўлиб ўқув муассасаси – мадраса ва кутубхона ташкил этган [7].

ва тақдирга яна бир қисқа назар... <http://e-tarix.uz/vatan-tarixi/1082-garbiy-sibirdagi.html>

4. Тайга.инфо: Когда бухарцы впервые появились в Сибири? // <https://tayga.info/162043>

5. <https://pandia.ru/text/77/472/10604.php>

6. <https://ural.academic.ru/1781>

7. Сибирские бухарцы. История исчезнувшего народа // <https://nuz.uz/intervyu/1181189-sibirskie-buharczy-istoriya-ischeznuvshego-naroda.html>